



МАМЛАКАТДА БАНКЛАРНИ ТРАНСФОРМАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНИДА РАҚАМЛИ БАНК ХИЗМАТЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Олтаев Ш.С. – СамИСИ доценти, и.ф.н.

Аннотация. Ушбу мақолада рақамли иқтисодиёт шароитида банк сектори фаолиятида юз бераётган туб ўзгаришлар ва рақамли банкингни жорий этиш жараёнлари илмий жиҳатдан таҳлил қилинган. Тадқиқотда рақамли иқтисодиёт тушунчасининг мазмуни, унинг банк бизнес моделларига таъсири, рақамли ва анъанавий банклар ўртасидаги фарқлар ҳамда замонавий банк хизматларини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ёритилган. Шунингдек, рақамли технологиялардан фойдаланиш орқали банк хизматлари сифатини ошириш, операцион харажатларни камайтириш ва mijozlarга йўналтирилганлик даражасини кучайтириш имкониятлари асослаб берилган.

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, рақамли банкинг, тижорат банклари, электрон тижорат, банк бизнес моделлари, мобил банкинг, банк инфратузилмаси, инновацион технологиялар.

Кириш. Ҳозирги кунда рақамли иқтисодиёт ва у билан боғлиқ ахборот-коммуникация технологиялари жаҳон иқтисодиётининг барча соҳаларига, жумладан банк тизимида ҳам чуқур кириб бормокда. Электрон тижорат, электрон бизнес ва рақамли молиявий хизматларнинг ривожланиши банклар фаолиятини анъанавий хизмат кўрсатиш моделларидан рақамли платформаларга асосланган янги бизнес моделларига ўтишини тақозо этмокда. Бу жараён банк хизматларининг шакли, мазмуни ва кўрсатилиш усулларини тубдан ўзгартирмокда.

Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегияси доирасида банк соҳасида замонавий рақамли технологияларни



жорий этишга қаратилган кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бу эса тижорат банклари фаолиятида рақамли банкинг, электрон хизматлар ва инновацион ечимларни кенг жорий этиш орқали рақобатбардошликни оширишни талаб этади.

Мазкур мақолада рақамли иқтисодиёт шароитида банк секторида рақамли ўзгаришлар, рақамли банкларнинг шаклланиши ва уларнинг анъанавий банклардан фарқли жиҳатлари илмий жиҳатдан таҳлил қилинади.

Тадқиқот жараёнида рақамли иқтисодиёт ва банк соҳасидаги рақамли трансформация жараёнларини ўрганишда комплекс илмий ёндашув қўлланилди. Методологик асос сифатида иқтисодий назария, банк иши назарияси ва рақамли трансформация концепцияларидан фойдаланилди.

Тадқиқотда таҳлил ва синтез, индукция ва дедукция, таққослаш, гуруҳлаштириш, тизимли ва мантикий ёндашув усуллари қўлланилди. Шунингдек, рақамли банкинг хизматларининг ривожланиш тенденцияларини баҳолашда илмий адабиётлар таҳлили, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўрганилиши ҳамда амалий тажрибани умумлаштириш усулларидан фойдаланилди. Қўлланилган методлар тадқиқот натижаларининг илмий асосланганлиги ва ишончлилигини таъминлади.

Бизга маълумки ҳозирги вақтда рақамли иқтисодиёт ва у билан боғлиқ бир қатор самарали технологиялар, шу жумладан, электрон тижорат ва электрон бизнес бизнинг ҳаётимизга жадал кириб бормоқда. Худди шу тарзда давлат ва жамият тараққиётини янада жадаллаштириш мақсадида республика раҳбарияти томонидан қатор муҳим ислохотлар амалга оширилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рақамли Ўзбекистон-2030» Стратегиясини тасдиқлаш тўғрисидаги Фармони ҳамда уни самарали амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар қабул қилинди. Мамлакатимизда рақамли иқтисодиётни фаол ривожлантириш, хусусан, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини, шу жумладан, банк соҳасида кенг жорий этиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.



Хусусан, электрон ҳукумат тизимини такомиллаштириш, дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологияларининг маҳаллий бозорини янада ривожлантириш, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида IT-паркларни яратиш, шунингдек, ушбу соҳани малакали кадрлар билан таъминлаш бўйича 220 дан ортиқ устувор лойиҳалар ишга туширилди.

Бугунги кунда рақамли иқтисодиёт кўплаб таърифларга эга бўлган глобал жараёндир. Масалан, қуйидаги таърифни келтириш мумкин: «Рақамли иқтисодиёт – кенг миқёсли маълумотларни қайта ишлаш, рақамли технологиялар, асбоб-ускуналар, товарлар ва хизматларни сақлаш, сотиш ва етказиб бериш асосида турли ишлаб чиқаришлар ва жараёнлар таҳлили натижаларидан фойдаланиш бўлиб, бу фаолият самарадорлигини сезиларли даражада оширишга имкон беради, чунки визуал ахборот асосий ишлаб чиқариш фаолияти омили бўлиб қолавермоқда. Бизнинг фикримизча, бу тавсиф жуда аниқ, аммо фойдаланиш учун бироз ноқулай. Шу сабабли биз «рақамли иқтисодиёт» тушунчасининг қуйидаги функционал таърифини тақдим этдик:

Рақамли (электрон) иқтисодиёт ва электрон тижорат - бу шахсий маълумотлардан фойдаланиш ҳисобига барча иштирокчиларнинг эҳтиёжларини ўз ичига олган маълумотлар, яъни максимал қониқишни келтириб чиқарадиган иқтисодиёт тури. Бу иқтисодиётда ахборот-коммуникация ва молиявий технологиялар, шунингдек, гибрид дунёда иқтисодий фаолиятнинг барча субъектлари ривожланиши - товарлар ва хизматларни яратиш, тақсимлаш, алмашиш ва истеъмол қилиш жараёни, объектлар ва субъектларнинг қобилиятлари тўлиқ ўзаро алоқа қилиш қобилияти бўлиб, бунга инфратузилманинг очиқлиги туфайли эришиш мумкин.

Замонавий, доимий ўзгариб турадиган технологиялар муҳити барча ҳўжалик юритувчи субъектларни рақамли ўзгаришлардан ўтишга мажбур қилади. Рақамли ўзгаришлар иккиёқлама функцияни бажаради: банк



ташкilotларига янги электрон платформалар (электрон банкинг, виртуал банкинг) ва хизмат кўрсатиш нуқталари (электрон бўлинмалар, POS) орқали янги хизмат кўрсатиш каналларини таклиф қилишга имкон беради, шунингдек, жисмоний дўконлар ва жалб қилинган ходимлар сонини чеклаш орқали уларнинг операцион харажатларини камайтиради. Бунинг сабаби шундаки, бутун дунё бўйлаб банк сектори унга инвестициялар учун умуман бошқа соҳаларга қараганда уч барабар кўпроқ пул сарфлайди. Банк соҳасида бизнес моделлари доимий эътибор марказидадир.

Рақамлаштириш, илғор инновациялар ва янги технологиялар анъанавий бизнес моделлари ва жараёнларини ўзгартирмоқда. Натижада, банклар ўзларининг бизнес моделларини мижозлар билан ўзаро муносабатларини ўзгартириш, мидл-офисда (ташкилий назорат булими) ва бэк-офисда (операциялар булими) ўз операцияларини бошқариш, рақобатбардош бўлиш ва келажакка тайёр бўлиш учун мослаштириши керак.

Кўплаб ривожланган давлатлар каби, рақамлаштириш нуқтаи назаридан мамлакатимиз ҳам ахборот технологиялари соҳасида иқтисодий ривожланиш йўлини танлади ва умуман, электрон ҳужжат айланиши соҳасида янги йўналишларни очмоқда. Бутун жамият глобал интернет сифатини яхшилаш ва алоқа тизимларини ривожлантириш учун рақамли технологияларга мурожаат қилмоқда. Натижада, катта ҳажмдаги маълумотлар алмашинуви ва тўпланиши содир бўлади, тўпланган маълумотларни қайта ишлаш имконияти мавжуд, бу эса, ўз навбатида, прогнозлаш ва асосланган қарорлар қабул қилиш имкониятини яратади.

Айтиш мумкинки, иқтисодий жараён қуйидаги жиҳатларни ўзгартиришдан иборат:

- бизнес моделлари ва мавжуд хизматлар портфели;
- мижозлар ва ҳамкорлар билан муносабатларда хулқ-атвор стандартлари;



- шахсий контентни мотивация қилиш ва ўқитишга йўналтирилганлик;
- корпоратив маданият;
- виртуаллаштириш, яъни булутли технологиялар жорий қилган ҳолда IT - бўлинмалар;
- жавобгарлик даражаси ва меъёрий қоидалар;
- янги технологиялар, муҳит дастурий-техника таъминоти, буюртмачилар;
- ҳамкорларнинг манфаатларини ҳисобга олган ҳолда компания инфратузилмаси.

Молия-кредит тизимидаги ўзгаришлар суръати смарт-шартномалар пайдо бўлишига олиб келди ва уларни тобора кўпроқ фойдаланиладиган қилмоқда. Ҳозирда кўпчилик нафақат компьютерларни тушунади, балки янги бошланувчилар ҳам техниканинг нозик томонларини ўрганади. Блокчейн транзакцияларни шундай тарзда ёзишга имкон берадики, бу янги рақамли восита ўз-ўзидан ундан олдингилардан сезиларли фарқ қиладиган ҳужжатни ифодалайди. Ҳозирги кунда Anorbank ва TBSBank, икки рақамли банк ҳам ўз мижозларига мобил иловалар ёки шахсий компьютерлар орқали рақамли хизматлар тақдим этади. Бу эса шуни англатадики, рақамли банкинг мижози банк хизматларидан 24/7 режимида фойдалана олади. Бошқача қилиб айтганда, рақамли банк тизими мижозга мобил илова тақдим этади, мобил илова эса юқори технологияли IT-инфратузилма билан мустаҳкамланган банк операциялари юқори мослашувчанлигини таъминлайди.

Албатта, савол туғилади, бугунги тижорат банклари ва янги ташкил этилган рақамли банклар ўртасидаги фарқ нима?

Рақамли банклар қуйидагилар учун энг яхши ечимлар тақдим этиши мумкин:

биринчидан, филиаллар тармоқлари ва банк бўлинмаларини кенгайтирмаслик;



иккинчидан, 100% онлайн коммуникация тизимлари банк ва мижоз ўртасида тузилади;

учинчидан, сифатли ва қулай мобил илова;

тўртинчидан, омонатлар ва кредитлар бўйича бозор талабларига жавоб берадиган (яъни, истеъмолчи талабидан келиб чиқиб) максимал фойдали шартлар (яъни истеъмолчи талабидан келиб чиққан ҳолда);

бешинчидан, тезкор, сифатли, қулай ва туну-кун ишлайдиган тезкор марказларнинг мавжудлиги.

Хулоса қилиб айтганда, рақамли банкинг - бу онлайн-банк тизимига ўтишда интернет орқали кўрсатиладиган банк хизмати. «Онлайн» ёки «интернет-банкнинг» деганда, банк ёки бошқа молия муассасаси мижозлари учун молиявий муассасанинг веб-сайти электрон тўлов тизими ёрдамида бир қатор молиявий операцияларни амалга ошириш имконини беради. Ушбу тизим банклар ва мижозларга банк хизматларини кўрсатиб, уларнинг операцияларини осон ва тез амалга ошириш имконини беради. Рақамли банк тизими банк маҳсулотлари учун идоралараро дастурлаш интерфейсини таъминлайдиган жараёнларни, веб-сайтларнинг хизматларини юқори даражада автоматлаштиришни назарда тутди.

Шу сабабли халқаро стандартлардан фойдаланган ҳолда технологик платформани модернизация қилиш пластик карталар эгаларига электрон тижоратга SMS-хабарномалар, пул ўтказмалари ва бошқа замонавий хизматларни жорий этиш имконини берди. Бошқача қилиб айтганда, технологик платформа мобил алоқа ёки интернет мавжуд бўлган ҳар қандай жойда пластик карталар билан операцияларни амалга оширишга имкон беради.

Тадқиқот натижаларини муҳокама қилиш жараёнида шуни таъкидлаш лозимки, рақамли иқтисодиёт шароитида банк секторида юз бераётган трансформация жараёнлари нафақат технологик ўзгаришлар, балки банкларнинг бизнес моделлари, ташкилий тузилмаси ва мижозлар билан ўзаро муносабатлар тизимининг тубдан янгиланишини англатади. Рақамли банкинг



хизматларининг жорий этилиши банкларнинг анъанавий фаолият доирасини кенгайтириб, уларни комплекс рақамли экотизимлар сифатида шакллантирмоқда.

Муҳокама жараёнида аниқландики, рақамли банклар ва анъанавий тижорат банклари ўртасидаги асосий фарқ хизмат кўрсатиш каналларининг рақамлаштирилганлик даражаси, операцион харажатлар тузилиши ҳамда миқдорларга йўналтирилганлик сиёсатида намоён бўлади. Рақамли банклар филиаллар тармоғини кенгайтиришга эҳтиёж сезмасдан, мобил иловалар ва онлайн платформалар орқали хизмат кўрсатишни йўлга қўйиши натижасида харажатларни сезиларли даражада қисқартириш имконига эга бўлмоқда. Бу ҳолат уларнинг бозорда тез мослашувчан ва рақобатбардош бўлишини таъминлайди.

Шу билан бирга, рақамли трансформация жараёнлари банклар олдида янги муаммо ва хавф-хатарларни ҳам келтириб чиқармоқда. Хусусан, ахборот хавфсизлиги, шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш ва киберхавфлар банк секторида стратегик аҳамиятга эга масалаларга айланмоқда. Рақамли хизматлар ҳажмининг ортиши билан бирга маълумотлар оқимининг кўпайиши банклардан замонавий хавфсизлик тизимларини жорий этишни ва технологик рискларни самарали бошқаришни талаб этмоқда.

Муҳокама натижалари шуни ҳам кўрсатадики, рақамли банкинг хизматларининг ривожланиши аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг молиявий фаоллигини оширишга хизмат қилмоқда. Масофавий банк хизматларининг кенгайиши молиявий хизматлардан фойдаланишда ҳудудий чекловларни бартараф этиб, молиявий инклюзия даражасини ошириш имконини беради. Бу эса банк тизимининг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини янада кучайтиради.

Бироқ, рақамли иқтисодиёт шароитида банклар фаолиятининг самарадорлиги фақатгина технологияларни жорий этиш билан чекланиб қолмасдан, кадрлар салоҳияти, корпоратив маданият ва бошқарув сифатининг



юқори даражада бўлишига ҳам боғлиқ эканлиги аниқланди. Шу сабабли рақамли трансформация жараёнларини муваффақиятли амалга ошириш учун банкларда инновацион фикрлашни шакллантириш, ходимларнинг рақамли компетенцияларини ошириш муҳим омил ҳисобланади.

Умуман олганда, муҳокама натижалари рақамли банкингни ривожлантириш банк сектори учун стратегик аҳамиятга эга бўлиб, ушбу жараённи тизимли ва комплекс ёндашув асосида амалга ошириш зарурлигини кўрсатади. Бу эса банк тизимининг барқарорлиги ва рақобатбардошлигини таъминлашда ҳал қилувчи омил сифатида намоён бўлади.

Олинган натижаларни хорижий илмий тадқиқотлар билан қиёсий таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, рақамли банкингни жорий этиш ва банк бизнес моделларини рақамлаштириш жараёнлари жаҳон амалиётида ҳам устувор йўналиш сифатида шаклланган. Хорижий тадқиқотларда рақамли трансформация банклар учун асосан учта йўналишда ижобий самара бераётгани таъкидланади: операцион харажатларни қисқартириш, мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва янги рақобат устунликларини шакллантириш.

Ривожланган мамлакатларда олиб борилган тадқиқотларда рақамли банклар филиаллар тармоғига камроқ таяниш орқали банк хизматларини арзонлаштириш ва оммабоплаштиришга эришгани қайд этилади. Ушбу ҳолат мазкур мақолада келтирилган хулосалар билан уйғун бўлиб, рақамли банкларнинг филиалларсиз фаолият юритиши операцион самарадорликни оширишга хизмат қилаётганини тасдиқлайди. Шу билан бирга, хорижий амалиётда рақамли банкинг хизматларининг ривожланиши молиявий инклюзия даражасини оширишда муҳим омил сифатида баҳоланади.

Айрим хорижий тадқиқотларда рақамли трансформация жараёнлари билан боғлиқ хавф-хатарлар, хусусан, киберхавфсизлик, маълумотларни ҳимоя қилиш ва технологик рисклар алоҳида таъкидланади. Мазкур мақоладаги муҳокама натижалари ҳам ушбу ёндашувни қўллаб-қувватлаб, рақамли



банкнинг хизматларини жорий этиш банклардан хавфсизлик масалаларига стратегик даражада ёндашишни талаб этишини кўрсатади. Бу жиҳат Ўзбекистон банк тизими учун ҳам долзарб ҳисобланади.

Шу билан бирга, хорижий тадқиқотларда рақамли трансформациянинг муваффақияти кўп жиҳатдан инсон капитали ва корпоратив маданиятга боғлиқ эканлиги таъкидланади. Ушбу хулоса мазкур мақолада билдирилган фикрлар билан мос келиб, банк ходимларининг рақамли компетенцияларини ошириш ва инновацион фикрлашни шакллантириш рақамли ислохотларнинг самарадорлигини белгилаб берувчи муҳим омил эканлигини тасдиқлайди.

Умуман олганда, қиёсий таҳлил натижалари Ўзбекистон банк тизимида амалга оширилаётган рақамли трансформация жараёнлари жаҳон тенденцияларига мос равишда ривожланаётганини кўрсатади. Бироқ, миллий хусусиятлар ва институционал муҳитни инобатга олган ҳолда хорижий тажрибани танлаб жорий этиш зарурлиги ҳам муҳокама натижасида аниқланди.

Юқоридаги муҳокама ва қиёсий таҳлиллар шуни кўрсатадики, рақамли иқтисодиёт шароитида банк секторида амалга оширилаётган трансформация жараёнлари комплекс ва кўп қиррали хусусиятга эга. Рақамли банкнинг хизматларининг ривожланиши, банк бизнес моделларининг янгиланиши ва мижозларга йўналтирилганлик даражасининг ошиши банк тизимининг барқарорлиги ва рақобатбардошлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу нуқтаи назардан, олинган натижаларни умумлаштириш ва улар асосида аниқ хулосалар ҳамда амалий таклифлар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, рақамли иқтисодиёт шароитида рақамли банкнинг банк сектори ривожланишининг асосий йўналишларидан бирига айланмоқда. Рақамли технологияларни жорий этиш банкларга янги хизмат кўрсатиш каналларини шакллантириш, операцион харажатларни камайитириш ва мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини ошириш



имконини бермоқда. Айниқса, мобил банкинг ва онлайн хизматлар банк ва мижоз ўртасидаги ўзаро муносабатларни янги босқичга олиб чиқмоқда.

Шу билан бирга, рақамли ўзгаришлар банк бизнес моделларини қайта кўриб чиқишни, корпоратив маданиятни янгилашни ва банк инфратузилмасини модернизация қилишни талаб этмоқда. Бу жараёнлар банк тизимининг барқарорлиги ва рақобатбардошлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:

Биринчидан, тижорат банкларида рақамли банкингни ривожлантириш бўйича узоқ муддатли стратегик дастурларни ишлаб чиқиш ва уларни банкнинг умумий ривожланиш стратегияси билан уйғунлаштириш лозим.

Иккинчидан, мижозларга йўналтирилган рақамли хизматлар, хусусан, мобил иловалар ва онлайн платформалар функционал имкониятларини кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Учинчидан, банк инфратузилмасини модернизация қилиш билан бир қаторда ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш механизмларини кучайтириш зарур.

Тўртинчидан, банк ходимларининг рақамли кўникма ва компетенцияларини ошириш орқали рақамли трансформация жараёнларининг самарадорлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Shavkat Oltaev. (2024). Financial sources and organizational and legal basis of social protection of the country's population. European International Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies, 4(01), 244–250. <https://doi.org/10.55640/eijmrms-04-01-43>
2. Shavkat Oltaev. (2024). Innovative ways of raising our country's development to a new level by improving the quality of higher education. Best Journal of



Innovation in Science, Research and Development, 3(1), 258–263. Retrieved from <https://www.bjisrd.com/index.php/bjisrd/article/view/1414>

3. Shavkat Oltaev. (2024). Innovative Ways of Implementing Digital Transformation in the Educational System. Middle European Scientific Bulletin, 44, 38-43. Retrieved from <https://cejsr.academicjournal.io/index.php/journal/article/view/2048>

4. Shavkat Oltaev. (2023). Ways of Implementing and Developing the Corporate Management System In Our Country. Procedia on Economic Scientific Research, 6, 23–31. Retrieved from <https://procedia.online/index.php/economic/article/view/1031>

5. Shavkat Oltaev. (2023). Analysis of Investment Activity in Foreign Countries. Academic Journal of Digital Economics and Stability, 34, 82–86. Retrieved from <https://economics.academicjournal.io/index.php/economics/article/view/808>